тадқиқотлар институти

ҲУРРИЯТ

26 январь-1 февраль 2000 йил

4 (157) - сон

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ҲАЯЖОН

МУВОЗАНАТ ВА УЙҒУНЛИК – ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ АСОСИ

Ислом Каримов Ватан озодлиги ва ободлигини, ҳаётимиз эркинлиги ва фаровонлигини таъминловчи йўлларни белгилаб берди

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ДЕПУТАТЛАР ЎПИШМАЙДИЛАРМИ?

Ҳар қандай жиддий тадбир орасида андек лирик чекинишга имкон топилади. Шундай экан, Олий Мажлис Иккинчи чақириқ биринчи сессияси ҳақидаги таассуотларни самимий гапдан бошлашга тўғри келиб қолди. 21 январь эрталабдан Олий Мажлис биноси гавжумлаша бошлади. Янги номлар, янги қиёфалар, янгидан-янги танишувлар, сўраб-исташлар умумий манзарага байрамона руҳ бағишлаб турарди. Парламентимиз биносининг маҳобати, салобати ва кўркини биринчи бор ўз кўзи билан кузатаётганлар ҳайратини кўриб бир зиёли дўстимнинг, "Ажойиб китобни ўқиб улгурмаган кишига ҳавас қиламан, чунки унинг бу асарни ўқишдан вужудга келадиган ҳайратли онлари ҳали олдинда" деган гапи ёдимга тушди. Мустақил юртимизнинг мустақил олий органи мазкур бинода оёққа турди, шаклланди, қад ростламоқда. Тарихий бинода тарихий солномалар битилмоқда.

Муҳташам ва салобатли бино адолатли ва салоҳиятли депутатлар билан гўзал! Бугун бу масканга йиғилиб машварат ўтказадиган шахслар 1999 йилнинг 5 ва 19 декабрь кунларини абадий хотирада сақлаб қоладилар. Очиқ-ошкора ва демократик талаблар асосида ўтазилган сайлов гирдобларидан "бутун" чиққан номзодларгина депутатлик мартабасига эришдилар.

Кураш осон кечмади, бу кураш майдони номзодлар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам том маънодаги сиёсий синов майдонига айланди. Муҳими шундаки, ўша бошланган синов давом этади, энди ишонч ва масъулият юки зиммага олинди, энди мардҳамат қилиб, белни ҳар қачонгидан маҳкамроқ боғлаш фурсати етди. Ана шундай ҳаяжонли лаҳзалар оғушида юзма-юз келган қадрдонлар бир-бирларини қўл олишиб, қучоқлашиб, ўпишиб қутлашлари табиий.

Айни шундай сонияларда самимий туйғуларни жиловлаш қийин, эҳтимол, жиловлаш ҳам шарт эмасдир?..

Икки эски қадрдон бир-бирини бағрига босиб табриклашаётгани устига матбуотда эркакларнинг ўпишиб кўришишини айб деган мазмунда мақола ёзган журналист акахонимиз келиб қолди. "Хўш, буни қандай шарҳлайдилар, тақсирим?" деб савол қотдим у кишига.

Ҳамкасб акамиз индамади, сал ўтиб "билмасам" дегандек кифтини учирди.

Тўғри, ҳаётда шундай бўладики, самимий ҳис-ҳаяжон ва туйғулар, эҳтиросларга жунбушга келганда айрим одатлар, тушунчалар унутилади, четдан туриб қораланмайди ҳам. Чунки бундай нозик масалани Президент ўз маърузасининг бошланишида ўхшатиб таърифлади: **"Ўзимнинг бу юксак лавозимга сайланишимни мен қандайдир шахсий ғалаба ёки ютуқ деб эмас, балки мустақиллик йилларида изчил олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизнинг тантанаси, халқимизнинг ўзи танлаб олган тараққиёт йўлига қатъий ишончидан яна бир далолат, деб биламан".**

Кўряпсизми, Президент сайловдаги ютуғини жамиятнинг, халқимизнинг ютуғи деб ҳисобламоқда. Зеро, Олий Мажлис депутатининг сайловдаги ғалабаси ҳам шахсий, ҳам ижтимоий маънода мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг, халқимиз иродасининг ғалабаси ҳаётда бир марта, шунда ҳам, жуда камдан-кам кишиларга насиб этади. Табрик ва қутловлар шакли эса... чекланмайди.

ТАРИХИЙ, ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Орадан йиллар ўтади, 2000 йил 22 январь, соат 10. Олий Мажлис биноси залига жамланган 249 депутатдан 248 нафари, хорижий дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳузурида Марказий сайлов комиссияси Раиси Нажмиддин Комилов сессия мажлисини очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловдан ўтган Ислом Абдуғаниевич Каримовга гувоҳномани тантанали равишда топширди. Шундан сўнг Ўзбекистон Конституциявий судининг Раиси Баҳодир Эшонов 2000 йил 9 январь сайлови ҳар жиҳатдан қонуний мақомда ўтганини, Конституцияга мувофиқ Ислом Каримов қасамёд қилган дақиқалардан сўнг Президентлик лавозимига киришган ҳисобланишини баён этди.

Минбарга Ислом Каримов чиқди. Ўнг қўл кафтини Қуръони карим ва Ўзбекистон Конституцияси устига қўйгани ҳолда бир зум сукут сақлади. Бутун залга йиғилганлар қад ростлаган. Ахир тарихий воқеа юз беряпти! Ўзбекистон Президенти қасамёд қиляпти! Зал сув қуйгандек жимжит. Барча-барчанинг нигоҳи мана, ўн йилдирки, Ўзбекистонга раҳбарлик қилиб мамлакатимизни энг қийин ва машаққатли йўллардан эсон-омон олиб ўтиб келаётган, Ўзбекистоннинг нуфузини, ғуруруни, ифтихорини дунёга танитаётган Инсонга қаратилган!

Ислом Абдуғаниевичнинг тантанали қасамёди эшитилади:

- Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан.

Ҳам илоҳий, ҳам заминий тафаккур маҳсули бўлмиш икки Ҳужжат йўриқларини ҳаёти ва умр йўлининг дастуриламали деб билган Инсон, иншооллоҳ, эзгу мақсадлари йўлида адашмагай! Яратган Эгамиз ҳам, қолаверса, халқимиз ҳам бундай йўлбошчини ёмон кўзлардан асраб-авайлагай!

СОҒЛОМ ДЕМОКРАТИЯНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Ҳар қандай давлат раҳбарининг зиммасида ўзига яраша масъулият юки бўлиши табиий, аммо-лекин ҳозирги даврда, хусусан, жаҳон саҳнасида ўзига хос ўрни ва нуфузи бўлган Ўзбекистондек давлатга раҳбарлик қилишнинг машаққати, оғирлиги ва масъулиятини таърифлаш учун жилд-жилд китоб ёзишга тўғри келади. Президентимизнинг ўн йиллик фаолияти кўздан кечирилса, ниҳоятда нозик вазиятларда энг тўғри ва энг оқил хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосага яраша тадбир белгилаш борасидаги маҳоратига тан бермай иложи йўқ. Яъни, у киши ҳар бир вазиятга ғоятда аниқ баҳо беради, шунга тегишли умумлашган хулоса чиқаради ва тадбир белгилайди, йўл кўрсатади. Ҳайратланарли жойи шундаки, бу қабилдаги уч босқичдан иборат раҳбарлик услуби моҳиятини тадрижий ривожланиш ташкил этади.

Биз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг беш тамойилининг бири бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш эканлигини яхши биламиз. Ва, мана, саккиз йилдирки, мазкур тамойилнинг нечоғли тўғри эканлигининг бот-бот гувоҳи бўлмоқдамиз. Президент сессиядаги маърузасида "Ким эдик ва ким бўлдик?" деган саволни ўртага ташлади. Бу саволга жавоб топишга уринган ҳар бир онгли ва холис киши кўплаб ҳақиқатларни ўзи учун кашф этиши муқаррар. Ислом Абдуғаниевич мустақиллик йилларида кишиларимизнинг дунёқараши, менталитети осмон билан ерча ўзгарганини алоҳида таъкидлади. Мухолифат ҳақида, фикр хилма-хиллиги ҳақида, ташаббуснинг аҳамияти ҳақида гапира туриб, жамиятни эркинлаштириш муаммосига тўхтала туриб айни шу вазифаларни бундан саккиз-ўн йил бурун кун тартибига қўйиб бўлмаслигини алоҳида уқдирди.

Чунки у пайтларда бугунги одамлар йўқ эди, бугун у пайтлардаги одамлар ўзгарди, тафаккур янгиланди. Бугунги одамларимиз давлатнинг бирмунча вазифаларини нодавлат тизимлари ихтиёрига ўтказилиш мақсадларини тўғри тушунади, тўс-тўполон кўтармайди. "Энг катта бойлигимиз – одамларнинг дунёқараши" деб бежиз айтмади Юртбоши.

Ҳаётдаги энг улкан ўзгаришларга фақат назорат йўли билан эришиб бўлмайди, назорат бирдан-бир тўғри чора эмас, балки ўз-ўзини бошқаришгина, давр ва давр талабларини онгли идрок этишгина кутилаётган ва исталаётган самараларни беради.

Ислом Каримов ҳар бир соҳа бўйича алоҳида тўхталар экан, сиёсий соҳада бўладими, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидами, иқтисодий ёки маънавият соҳасидами, суд-ҳуқуқ ва ҳавфсизлик соҳасидами – буларнинг ҳар биридаги мавжуд муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш учун жамиятнинг яхлитлигини таъминловчи, соғлом демократик тамойилларнинг икки қанотига - мувозанат ва уйғунликка бориб тақалишини алоҳида уқдирди.

Ҳа, шундай! Жамиятда турли кучлар, қарашлар мавжуд бўлиши табиий, носоғлом қарашларни тўғри йўлга солиш учун муттасил қайғурмоқ керак, шу билан бирга **"Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарамақарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукаммал кафолатлаган бўлар эдик".**

Эркин бозор шароитида манфаатлар улушига эгалик истаги бўртиб кўзга ташланади. Айниқса жамият ва шахс манфаатлари тушунчаларига даврнинг ўзи равшанлик кирита боради. Эндиликда бизнинг жамият ҳам шахсий манфаатни рад этмаслик даражасига кўтарилди, айни пайтда жамият манфаатини ҳам унутишга зинҳор ҳаққимиз йўқ. Президент ўз маърузасида мазкур ҳақиқатни эсга солди. Яъни, **"ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор".**

Ана шундай мақомга кўтарилган эркин шахсгина жамият равнақининг асосий омилига, ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Шу маънодаги эркин шахс маънавият нуқтаи назаридан ҳам мамлакат бойлиги ҳисобланмоғи керак.

Жамиятимизда кўппартиявийлик, кўпфикрлилик шаклланиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар замирида ҳар қайси фуқаро ўз фикрини эмин-эркин ифода этиши ва ўз фикрига эгалик ҳисси ётади. Биз истаётган демократия ҳам мана шундай ҳур фикрга таянади. **"Лекин, - деб изоҳ беради И.Каримов, - турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати – барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт".**

Эътибор беринг-а, фикр хилма-хил бўлиши мумкин, фақат бу фикр ва бу қарашлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ғояси теварагида уйғунлашган тақдирдагина у амалий самара беради. Бошқача айтганда, соғлом демократия табиий ва мантиқий қонуниятлардан - эзгуликни, барқарорликни, умумхалқ манфаатларини муҳофаза этувчи қонуниятлардан келиб чиқади, улар учун хизмат қилади.

МУЛОҲАЗА

ХАБАРДОРЛИК ИМКОНИЯТИ

Нодир НОРМАТОВ

XXI аср бўсағасида мамлакатимиз аҳли учун огоҳликка даъват муҳим масалалардан биридир.

Шубҳасиз, огоҳ бўлиш – бу кенг тушунча. Сиёсат, маданият, фан ва техника, деҳқончилик ва чорвачилик, дунё воқеалари... Хуллас, барчасидан хабардор бўлиш деган гап.

Маълумки, республикамиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда яшайди. Рўй-рост айтадиган бўлсак, уларнинг аксарияти дунё хабарларини, кўпроқ радио орқали эшитади. Сабаби, радио арзон ва қулай. Аммо, радионинг таъсир кучи, имкониятлари телевидение ёки матбуотчалик эмас, тўғрироғи ҳар бирининг ўз ўрни бор.

Ахборот инсон учун маърифат ёки билим дегани эмас. Аммо, таҳлил ва фикрлаш инсонни комилликка етаклайди. Хусусан, бунда матбуотнинг, китобнинг ўрни кўпроқ билинади.

Масалан, мамлакатимизда тез суратларда қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорларни радиодан эшитиш, телевиденеда кўриш одамлар учун асосий ахборот манбаи бўлолмайди.

Телевидение бугун энг тезкор ахборот воситаларидан бири. Аммо, республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ ва овулларидаги хонадонларнинг айримларида телевизор етишмаслиги мавжуд. Менимча, аҳолининг маданий-сиёсий, маърифий савиясини кўтариш учун, ҳукумат олиб бораётган ислоҳотлардан хабардор этиш учун энг аввало, аҳолини мумкин қадар телевидение воситаси билан таъминлаш зарур.

Эҳтимол, бу муаммони давлат аралашуви ёки кредит тариқасида ҳал қилиш мумкин бўлар.

Тадбиркорларимиз бу борада бошқаларга ўрнак бўлишса, мактаб ва бошқа муассаларга обуна масаласида саховат кўрсатишса, айни муддао бўлур эди.

Мен яқинда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги бир неча қишлоқларда бўлдим. Аниқлашимча, катта қишлоқларда уч-тўрт кишигина газета оларкан, айрим қишлоқларда эса шу ҳам йўқ. Бу газета ҳам ўн-ўн беш кунда етиб келаркан. Қани эди, бизда ҳам хориждаги каби ҳар бир хонадонда почта қутиси бўлса, телефон ишлаб турса.

Ҳа дарвоқе, телефон... Бу масала ҳам қишлоқларда долзарб. Сурхондарёнинг айрим қишлоқларида, ҳатто, соғлиқни сақлаш муассасаси ёки мактабларда ҳам телефон тармоғи йўқлиги сабабли, одамлар пул, вақт сарфлаб узоқ масофаларга боришга мажбур бўлаётир.

Жамият борки, албатта, муаммо ҳам бўлади. Аммо, уларнинг ечими маърифатли жамият талаблари орқали, давлат ва ҳукумат кўмагида амалга ошишини яхши англамоғимиз лозим.

Мен жамиятимиз учун зарур бўлган айрим қулайликларни яратиш давлат обрўсини, қудратини янада ошириши мумкинлигини бугунги кун тартибига қўймоғимиз лозим деб ўйлайман. Бу мулоҳаза ва таклифларим у қадар янги эмасдир, аммо уларни тез-тез эслаб, кун тартибига қўйиш фойдадан холи бўлмасди.

ИЗОҲНАМО

НЕЪМАТЖОНОВАА АЙБ ЙЎҚ!

Ўтган сонда "Қўқон манзаралари" мақоласи чиққан эди...

Танқидий мақола бесамар кетмагани қандай яхши! Зеро, журналист жамиятдаги салбий ҳолатлар хусусида ёзар экан, мақсад – кимнидир ур қалтак-сур қалтак қилиш эмас, балки ўша камчиликка тезроқ барҳам беришдир.

"Қўқон манзаралари" мақоласида ("Ҳуррият" 19 январь, 3-сон) қадимий шаҳарнинг бугунги кунда ҳуснига доғ бўлиб турган бор-йўғи учта салбий ҳолат қаламга олиниб, унинг жамият ва миллат ҳаётига нечоғли акс таъсир этиши хусусида жиндеккина мулоҳаза юритилганди, холос. Мақолага эса Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи туртки бўлганини аввалги чиқишимизда алоҳида таъкидлагандик.

Мақола чиққач, алқаганлар кўп бўлди, ҳатто айрим муштарийлар Қўқондан туриб, қўнғироқ қилишгача борди: эмишки, Қўқонда "Ҳуррият" қолмабди, илтимос, газетанинг ўша сонидан юборинглар, деб. Бу орада яна шундай замзамалар ҳам бўлдики, гўё журналист кимларнингдир ноғорасига ўйнаб, тирноқ остидан кир қидирибди. Яна биров хитоб қиладики, мақола учун раҳмат, "Қувайт"даги бензинфурушлар камайиб, АЕҚШлар мунтазам ишлай бошлади...

Жуда соз! Танқидни тўғри тушунганлар барака топишсин! Агар юқоридаги гап рост бўлса, Қўқоннинг янги раҳбари, яъни янги ҳокими ғайрат билан ишга киришибди...

Хўш, унда "тузатишнамо" чиқишдан мақсад нима?

Гап шундаки, "Ҳуррият"нинг мазкур сони саҳифаланаётган чоғда Қўқондан яна бир қўнғироқ бўлиб, нотаниш мухлисимиз хавотирли оҳангда шундай деди: "Мақола учун раҳмат-у, аммо унда номи тилга олинган ҳамшаҳримиз Бахтиёржонни ноқулай аҳволга солиб қўймадингларми? Нега деганда айримлар гўё мақоладаги фактларни мухбирга шу йигит берган, деб ўйлашаяпти..."

Бекор гап! Журналистга ҳеч ким факт ёки ҳужжат тақдим этмаган, қолаверса, мақолада қаламга олинган ҳолатлар ҳужжат талаб ҳам қилмайди, уларни билиш учун Бахтиёржоннинг кўмагига ҳам муҳтож эмасмиз. Бор воқеликка Қўқоннинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароси тирик гувоҳ. Жумладан, журналист ҳам. Мабодо, кимдир исбот талаб қилса, қўлимизда далиллар тиқилиб ётибди.

Қўқонлик Бахтиёржонга келсак, унинг бировга ёмонлиги ҳам, мақолага мутлақо алоқаси ҳам йўқ. Биродаримиз бутунлай бошқа масалада - ҳибсдаги укасининг "иши"га қонун доирасида ёрдам беришимизни илтимос қилган, холос. Таъкидлашни истардикки, укасининг ҳибсга олинишига Қўқоннинг ҳеч қайси раҳбарининг мутлақо алоқаси йўқ!..

Бахтиёржоннинг шикояти – алоҳида масала, мазкур шикоят асосида ўтказилган "журналист текшируви" айни кунларда мақола шаклида қоғозга тушаётир. Яқинда ўша мақола ҳам ҳукмингизга ҳавола этилади.

Вассалом!

Т.АКБАРОВ

ЭСКИ ГАП

"БИЗНИ ҲАМ ОЛИБ ЎТИНГ, АМАКИЖОН!"

Тошкентда яшовчи кўпчилик юртдошларимиз кунига камида 4 ёки 5 марта жамоат транспорт воситаларидан фойдаланишга мажбур. Айниқса, бу талабаларимизга катта қийинчилик туғдиради. Агар талаба ўқишга бориб келиш учун кунига 4 та транспортга тушадиган бўлса, 1 ойда 3000 сўми фақат йўлкирага тўлаши керак. Бундан ташқари талабаларимиз кутубхоналарга, ҳар хил клубларга қатнашиб, ўз билимини янада чуқурлаштириши керак. Бундай вазиятда 1 та талаба 1 ойда 5-6 минг сўмни фақат йўлкирага сарфлаши керак. Давлатимиз шундай қийинчиликларни енгилллатиш мақсадида имтиёзли ойлик йўл чипталарини жорий қилиб қўйибди. Хўш, бу чипталар қандай натижа бераяпти?

Чипталарни ишлатишда айрим қийинчиликлар юзага келмоқда. Масалан, биз яшайдиган Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг 4-, 5-ётоқхоналари олдидан фақат 20- ва 35-автобуслар юради. Биз шу автобуслар билан ўқиш жойларимизга бориб келамиз. Ҳар куни эрталаб соат 6.30 да талабаларимиз ўқишга бориш учун автобус бекатига чиқишади. Минг афсуским, юқорида қайд қилинган автобуслар биз турган бекатда тўхтамай ўтади. Нима эмиш, талабалар нақд пул тўламас, улар ойлик чиптасидан фойдаланармишлар. Дарҳақиқат, шундай. Аммо бу ноқонуний эмас-ку, ахир! Биз автобус тўхтамаслиги натижасида соатлаб йўлда муз қотиб туришдан ташқари, вақтида етиб бормаганлигимиз сабабли дарсга ҳам қўйилмаймиз.

Азиз автобусчи амакилар, бизни тўғри тушуниб, юқоридаги ҳолатларни такрорламасликларингизни илтимос қиламиз!

Хурсандбек АБДУЛЛАЕВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетининг I курс талабаси

ЙЎҒ-Э!

Шамол эксанг— бўрон оласан

А.Ҳакимов чизган сурат



ҲУҚУҚ

ҚЎЛБОЛА "ҚОТИЛ"

Рустамни ким ўлдирган?

Акбар ЖОНУЗОҚ

Тирикчилик ғами билан Андижондан Тошкентга келган Рустам исмли йигит тирик ҳаёт билан видолашди. Унга илинж кўзларини мўлтиратиб қолган икки қизи, ўғли ва хотини бир умрга илинжларини ҳайдолмайдилар энди. Уни Ўрикзор даҳасидаги Мардикор бозорида пичоқлаб кетишди.

Турли вилоятлардан келган навқирон йигитлар билан тўла бозорда бир неча йигитлар ўртасида ўзаро гап қочади. Озгина туртишишдан бошланган жанжал қотиллик билан тугайди. Тўполонга аралашган Рустамбекнинг (худо раҳмат қилсин) бўйнига ўткир тиғли жисм санчилди, у ерга йиқилди ва шу ернинг ўзидаёқ жон берди.

1998 йил 29 сентябрида бўлиб ўтган ушбу воқеа юзасидан 1999 йил 1 ноябрь куни Мирзо Улуғбек туман суди биносида суд ҳукми ўқилди.

Суд 23 ёшли сурхондарёлик Абдусамат Юлдашевни қотил деб топди ва уни 11 йилга озодликдан маҳрум этди.

Эътибор берган бўлсангиз қотиллик тафсилотини қоронғироқ ҳикоя қилдик ва қотилнинг ким эканини ҳам очиқ қолдирдик. Чунки суд тергови жараёнида кўргазма берган жабрланувчи У.Баратов, гувоҳлар Б.Эрназаров, Х.Комилов, Б.Муҳитдиновлар ва судга келолмаган гувоҳлар – Ш.Тоштемиров, Ш.Бурҳонов, Ш.Қўзиевларнинг дастлабки терговдаги кўргазмаларининг бирортасида ҳам Абдусамат Юлдашевнинг Баратов Рустамни урганини, уни ўлдирганини билмаслигини таъкидлашди. Ҳатто Абдусамат ижарада турган уйнинг бекаси М.Усмонова ҳам **"Ўша куни (29 сентябрь) Абдусамат ҳар кунгидек келиб телевизор кўрди, ҳеч қанақанги ҳаяжонланишлар, ўзгаришларни сезмадим. Кийимларида қон доғлари йўқ эди. Кир ҳам ювмади"**, деб кўргазма берди. Қотил одамнинг эса бемалолхўжа юриши мумкинлигини психологлар мутлақо рад қилишган.

Хўш, тергов ва суд нега Юлдашев Абдусаматни қотил деб топаяпти? Муҳитдинов дастлабки терговда **"Абдусамат қўлида пичоқ ўйнаб юрган эди"**, деб кўргазма берган экан. Суд тиббий экспертизаси эса **"Баратовнинг ўлими бўйин соҳасининг ўнг томонидаги артерияни жароҳатлаб ўтган, баданига кириб борувчи кесик-санчиқ жароҳат... етказган ўткир тиғли жисм"** деган хулоса беради. Муҳитдиновнинг кўргазмасига экспертиза хулосасини қўшиб терговчи ҳам, суд ҳам Абдусаматни қотил деб баралла айтаяпти. Бир кишини қотилликда айблаш учун шуларгина асос бўларкан-да деб кўрқиб кетасан киши. Қизиғи, суд терговида берган кўргазмасида Муҳитдинов **"жанжал куни Юлдашев А.ни кўрмаганлигини, дастлабки терговда берган кўргазмаларини тасдиқламаслигини** (суд ҳукмидан айнан ўқияпмиз – А.Ж.), **терговчи қўл қўйиб бер деганлиги учун қўл қўйиб бераверганлигини, "Абдусамат қўлида пичоқ ўйнаб юрган эди" деб ҳеч кимга гапирмаганлигини кўрсатиб ўтди".** Суд раиси бу ҳолатни аниқлаш учун терговчи Раҳимовни чақирди, икки маротаба келмаганлиги учун суд мажлиси бошқа кунларга қолдирилди ҳам. Лекин терговчи Раҳимов барибир суд мажлисига келмади, суд ҳам унинг келишини ва Муҳитдиновнинг дастлабки тергов билан суд терговидаги кўргазмалари ўртасидаги номутаносибликни аниқлаш чораларини кўрмади. Муҳитдиновнинг суддаги кўргазмаси терговнинг қандай услубда олиб борилганлиги ҳақида жиндай маълумот беради, назаримда. Абдусаматнинг ҳамқишлоқлари Мамадиёров Оқмирза ва Юлдашев Шавкатлар эса судга келишни хоҳлашмабди. Айбланувчининг акасининг айтишича, терговдаги зуғумлар улар юрагини шу қадар олиб кўйганки, Абдусаматнинг айби йўқлигини билса-да, унга ёрдам бергилари келмайди. Терговдаги зуғум ҳақиқат, виждон зуғумидан ортиқроқ эканми, деб ўйлаб қоласан киши. Хавотирланасан ва... қўрқиб кетасан. Мана бу латифа ёдингга тушади:

Африка ҳайвонот боғидан фил йўқолибди. Полиция бошлиғига уни топишга уч кун муҳлат беришибди. Муҳлат тугайди. Полиция бошлиғидан:

— Филни топдиларингми? – деб сўрашибди.

— Ҳа, албатта, топдик-да, - дебди бошлиқ ва хонага қафас ичидаги қуённи олиб киришибди.

— Ие, шу филми?

Қуён хавотирли овозда дебди:

— Ҳа, мен филман! Филман! Фақат бошқа урманглар мени!

Адвокат М.Сагдуллаевнинг айтишича, жиноят ишида яна бир қалбакилик бор. Ишдаги Муҳитдиновнинг "Мен билан Рустам ака (Баратов) ёнма-ён қочиб кетаётган эдик. Бирдан Рустам акамнинг қашқадарёлик Абдусамат **(! – А.Ж)** ва яна бир шериги ҳам бор эди, иккаласи қувиб келишаётган эди", деган тушунтириш хати **1998 йил 30 сентябрь** куни ёзилган деб кўрсатилган. Лекин адвокат иш материаллари билан танишган пайтда 30 сентябрь "1 октябрь" қилиб ўзгартирилган эди (и.в. 16). Адвокат суд ҳайъатига ана шуларга ҳам эътибор беришни сўради ва суд тергови жараёнида Муҳитдиновга "Қачон бу тушунтириш хати ёзилган?" деб савол берди. У тушунтириш хати 30 сентябрь куни ёзилиши мумкин эмаслигини, чунки воқеадан (29 сентябрь) **3 кун** кейин уни милиция ходимлари ушлашганини айтди. Унга терговчи қўл қўйдириб олмаганлигини суддаги кўргазмасида айтганлигини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. Бундан ташқари 1998 йил 18 май куни Юлдашев билан Муҳитдинов юзлаштирилганда: **"Мен рўпарамда ўтирган кишининг Абдусамат эканлигини билганим йўқ. 29 сентябрь 1998 йили Баратовни Абдусамат ургани йўқ"**, деб унинг ўзи кўргазма берди (и.в.213).

Демак, Муҳитдинов Абдусаматни илгари кўрмаган ва танимаган. Қолаверса, Абдусамат шахси дастлабки тергов органлари томонидан 1998 йил 17 октябрь куни аниқланган (и.в.119).

Юзлаштиришда (18 май 1999 йил) танимаган Абдусаматни 1998 йил 30 сентябрда (у ҳам ўзгартирилган) ҳали қўлга тушмасдан "ёзилган" тушунтириш хатида **"Абдусамат" деб танигининг ўзиёқ** суд ҳайъатида терговга шубҳа уйғотмагани қизиқ. Боз устига Абдусаматни тергов 17 октябрда аниқлади. Қолаверса, суддаги кўргазмасида Муҳитдинов дастлабки терговдаги кўргазмаларини инкор қилди ва "қўл қўйиб бер" деб айтган терговчини айблади. Суддаги кўргазма инобатга олинмаган бўлса, жиноят ишидаги ҳолатларга баҳо берилмаган бўлса, суд ҳукмни нималарга асосланиб ўқиди экан?!

Яна бир ҳолат. Дастлабки терговдаги А. Юлдашев билан гувоҳлар Эрназаров, Комилов, Тоштемиров, Баратов, Муҳитдинов, Бурҳоновлар билан юзлаштиришда **"Юлдашев бирорта аниқ шахсни урганини кўрмадик, Р.Баратовни Юлдашев А. урмаган, ўлдирмаган. Ким Р.Баратовни ўлдирганини билмаймиз"**, деб кўргазма беришган.

Суд ҳукмида эса **"...унинг айби юқорида қайд этилган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларидан ташқари жиноят иши материалларида мавжуд бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, далилий ашёни олиш ҳақидаги баённомаси, суд-тиббий экспертизасининг 1998 йил 5 октябрь кунги 896-Джум сонли хулосаси, суд тиббий экспертизасининг 1998 йил 30 сентябрь кунги 712-сонли хулосаси, юзлаштириш баённомалари ва жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган"**, дейилади.

Юзлаштиришдаги гувоҳлар кўргазмалари билан танишдик. Суд яна қандай юзлаштириш баённомаларини назарда тутаяпти? Ёки изн берсангиз, уни қандай тушунаяпти, деб савол берган бўлардим Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларининг маъносини ҳам бирров айтиб ўтдик. Уларнинг ҳаммасини ҳукмингизга ҳавола қилишга имкониятимиз чегараланган. Келинг, шубҳа уйғотмаслик учун жабрланувчи У.Баратовнинг суддаги кўргазмасидан бир парча ўқиймиз: **"Юлдашев А.ни қўлида пичоқ олиб юрганини кўрмаганлигини, жанжал нима сабабдан чиққанлигини билмаслигини, акасида Юлдашев А.нинг қандай қасди бўлганлигини билмаслигини, акасини Абдусамат ва Қобил исмли болалар ўлдирганлигини одамлардан эшитганлигини, аниқ ким ўлдирганлигини билмаслигини, ўша ерда бўлган болалардан акасини ким ўлдирганлигини сўраганлигини, лекин ҳаммаси билмаймиз деб айтишганлигини, уни орқасидан ким тепганлигини билмаслигини, ўша пайтда Юлдашев А.ларни ёнида турган бўлганлигини, акаси Акмал Иккита шахс битта пичоқни бараварига битта бўйинга санчиши мумкинми? Терговда икковидан бирови пичоқ эгаси сифатида, уларнинг иштирок даражаси аниқланиши керак эмасмиди? "Қобил" исмли шахсни тополмаганлиги учун тергов "Самат" исмли шахсни Абдусамат Юлдашев деб тақдим қилганлиги ва барча қотиллик айбини унинг бўйнига юклаганлигини ҳеч тушуниб бўлмайди.**

...Битта жиноий иш ёпилди. Суд битта ишни охирига етказди. Лекин юмалоқ-ёстиқ қилиб ёпилиши ишлашнинг белгиси бўла оладими? Мен адолатли ишлашни назарда тутаяпман. Бу ишнинг орқасида "ишлаяпмиз, мана!" деган ҳисоботдан ташқари инсон, 23 ёшли йигит тақдири ётибди, ахир!

ромов туманидаги цех қоровулининг олдида яшаб юрганлигини, у акасини воқеадан 4 кун олдин кўрган бўлганлигини кўрсатиб, судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради".

Кўргазмани ўқидингиз. Айтинг-чи, ҳукмда айтилгандек Абдусамат Юлдашевнг қотиллигини ушбу кўргазмалар билан исботлаш у ёқда турсин, қотиллик билан айблаш мумкинми ахир?

Кўздан кечириш баённомаси ва фотосуратлар қотилликнинг содир этилганлигини исботлайди. Лекин ҳукмда айтилгандек, Юлдашевнинг қотиллигини исботлайдими ушбу баённома ва фотосуратлар? Ўйлашнинг ўзи мантиқсизлик...

Суд-тиббий экспертизасини эса ўз ҳолатича келтирамиз. У Юлдашев қотил эканлигини нечоғли исботлаган, ўзингиз ўқиб хулоса қилинг: **"Суд-тиббий экспертизасининг 1998 йил 30 сентябрдаги № 712-сонли хулосасига кўра Баратов Р.нинг ўлими бўйин соҳасини ўнг томонидаги артерияни жароҳатлаб ўтган, баданга кириб борувчи кесик-санчиқ жароҳат натижасида ўткир қон йўқотилиши, ички ва ташқи қон кетиши, геморогик шок натижасида ички аъзоларининг камқонлигидан юз берганлиги аниқланган"**.

Далилий ашёга келсак... пичоқ топилмаган, Абдусаматнинг қўл изларини исботловчи бошқа ашёвий далиллар йўқ.

Суд яна нималар билан А.Юлдашев айбини "исботлайди" экан?

Аслида бу исботларнинг ҳар бири унинг айбсизлигининг исботи-ку? Агар ҳар бир айбланувчининг ўшандай тарзда айби исботланса... — ?!

Дастлабки терговда ҳам, суддаги кўргазмаларда ҳам А.Юлдашевнинг қотиллигини исботловчи на бирорта ашёвий далил, на бирор жиноят изи бор. Дастлабки терговда иккита шахс қотилликда айбланган. Бири "Қобил" исмли шахс. Иккинчиси "Абдусамат" исмли шахс.

— Бунақасини кўрганда елкадаги юк ҳам билинмайди-я!..

МУЛОҲАЗА

МАТБУОТ – ҲАРАКАТДАГИ ДЕМОКРАТИЯ

Журналистлар қалами билан жамият "укол" қилиб турилмаса, осонликча оёққа туриш қийин

Бунда, мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.

Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ,
Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза дан

Биз журналистлар "матбуот", "жамият", "демократия", "шароит" каби сўзларни бугунги кунга келиб кўп ишлатишга одатландик. Чунки биз янгиланишлар, ўзгаришлар майдонига кириб келдикки, бу майдон энди аввалгидай отлар (тўғрироғи, эшаклар) олиб қочган қуруқ аравалар ғилдираги остида топталишга зор эмас. Ҳар қандай тизимда ҳам матбуот ўша тизимга хос равишда ўзига юкланган аравани тортиб келган. Агар жамиятнинг демократлашуви шароитида матбуотимизнинг бугунги вазифасидан гап очсак, биз кўп ишлатадиган ўша сўзларнинг бари – матбуотга қўшилган арава. Яъни матбуотимиз жамиятнинг демократлашуви шароитини "торта" билиши керак, демоқчиман. Тортганда ҳам арава қуп-қуруқ эмас, унинг залворли юки бўлсин. Шундагина матбуот жамиятнинг эҳтиёжини қайсидир маънода қондирган бўлармиди, балки...

Майли, бошқа давлатлардаги каби матбуотимизда сенсация бўлмасин, аммо сўзимиз холис бўлсин. Чунки сўз ҳам бизнинг ўзимиз, ўзлигимиздир.

Халқ барибир доно-да. Бугунги кунда биз "демократия, демократия" ва ҳоказолар деб айюҳаннос солаётганимизда, халқимизнинг: "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу" деган мақолини бир эслаб қўйсак ёмон бўлмасди. Чунки "демократия, бу — мувозанатдир". Демак, инсоннинг ички дунёси азал-азалдан демократик руҳ билан суғорилган. Инсоният қанчадан-қанча тузумни бошдан кечирган. Аммо унинг шахсий "демократия"си ўзгармасдан қолаверган. Агар шундай бўлмаса, халқ бу мақолни шунчаки тўқиб чиқармаган бўларди. Бундай мутаносиблик табиатда, жамиятда ҳам мавжуд. Ҳаммамиз биламизки, бу мувозанат бузилса, биз орзу қилган ўша "нима"дир инқирозга учрайди.

Бу мақолни келтириш билан инсон орзуси чегараланган, чеки бор демоқчимасман. Негадир шу мақолни эшитиб, айнан "тошу тарозу" деган сўз менга қонунни эслатаверади. Чунки "Қай ерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади", деган Амир Темур бобомиз. Демак, айтиш мумкинки, фақат эркин кишигина орзу қилади, орзу қилиш фақат эркин кишигагина хос.

Одамзот табиати қизиқ-да, у кўп нарсани орзу қилиб яшайверади. Аслида эса орзу қилиб, тошу тарозини ёддан кўтармаслик керак. Биз эса бугунга келиб демократияни орзулаб қолдик. Кеча эса Коммунизмни хаёл қилдик. Бунга Собиқ Иттифоқ тузумининг шармандаларча инқирозга юз тутганлигини бир мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки ўша даврда тузум "коммунистик партия" орзуси билан яшайверди. Дин, худо йўқ деб ҳисобланди. Худони кўришга муяссар бўлолмаган тузум, "коммунизм"нинг хаёлий жамолига интилиб яшади (Тавба қилдим, уларнинг бу жоҳилликлари худога ҳам хуш келмаган). Ҳамма нарса моддиятдан келиб чиққан ҳолда баҳоланди. Ҳиссизлик, худони қалб кўзи билан кўришга бўлган ожизлик балоси ҳукм сурди. Бу партиянинг мухолифи ҳам йўқ эди (яъни тарозининг бир палласини босадиган мухолифни назарда тутяпман). Ҳамма нарса яккаҳокимликка, битта ғоя учунгина курашишга асосланган эди. Оқибат "орзу қилиб, тошу тарозуни унутган" ўша тузум тарозининг бир палласига оғдию шармандаларча қулади.

Мусулмончиликда ўлган одамнинг орқасидан фақат яхши гапирилади, гарчи у ёмон бўлган бўлса ҳам. Бир тоифа одамлар борки, улар бугунги даврни кечаги кунга солиштириш керак бўлиб қолганда, собиқ тузумнинг "марҳум" ёмон одамлари ҳақида ғийбат қилиб маза қилади. Яна бир тоифа одамлар бор, улар одамни эмас, ўша одамни ёмон аҳволга солган ёмон тузумни ғийбат қилади. Буниси кўпроқ бизга маъқул. Чунки "ўлиб кетган" собиқ тузумнинг ёмон жиҳатларини, "ғийбат қилмоқ" биз учун фарз. Токи бундан барчамиз сабоқ олайлик.

Айтгандай, биз демократияни орзулаб қолгандик. Тўғри-да, орзу қилганни айблаймайиз. Аммо савол туғилади: Бизда ҳам ўша тошу тарозу борми? Бор бўлса, қани? Мен бу саволга албатта "Бор!" деб жавоб бераман. "Бор" десам бироз нотўғри бўлар, чунки, янаям тўғрироғи, биз орзу қилаётган демократиянинг ўзи тошу тарозудир. Бизда демократиянинг бирмунча осон яратилишига қандай имконият бор? Имкониятки, халқимизнинг олтмиш фоизи зиёли! Улар ҳавас қилса арзигулик демократияни яратадилар.

Орзу – илоҳий неъмат. Шундай экан, биз орзу қилаётган демократия ҳам Аллоҳнинг инъоми. Аммо демократиянинг туб моҳиятини ҳали англаб улгурмаган халқнинг шундай бир катта қатлами борки, оғзида фақат шу гап: "Биз демократияни кўрмаяпмиз. Қани у?" Агар қалб кўзи очиқ бўлган одам бугунги юз бераётган ички бир эврилишларни дилдан ҳис қилиб турган бўлса, ундайларга тасанно! Чунки демократияни бизнинг ҳалол нонимиз десак ҳам бўлади. Шу ўринда Собиқ Иттифоқ даврида бир қанча вақт марказкўм котиби бўлган Хрушчевнинг бир врачга айтган латифаси эсимга тушади. У латифа охирида кулиб шундай дейди: "Социализм, бу – турган-битгани сув!". Агар қиёслаш жоиз бўлса, нонга – демократияга меҳнат билан, пешона тери билан эришиш мумкин, сув эса ўзи оқиб келаверади.

Энди бугунги матбуотимиз ҳақида баъзи бир мулоҳазалар.

Тўғри, давлатимиз озод бўлгандан кейин, тузум демократияга асосланади ва демократиянинг бош талабидан келиб чиққан ҳолда кўппартиявийлик йўлга қўйилди. Бу яхши, албатта. Матбуотда ҳам дастлабки янги қадам босилди, яъни у "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилди. Матбуотга доир қабул қилинган қонунлар унинг нуфузини оширди. Ҳатто бозор талаби ҳам шуни тақозо этяптики, ўтмиш боболаримизнинг бозорда ўз маҳсулотларини мақтаб, "Кеп қолинг, кеп қолинг, сотаман-да кетаман, олганлар дармонда, олмаганлар армонда" дея қилган "реклама"лари ўз замонавий кўриниши билан бугунги матбуотимизга кириб келди. Энди эса матбуотнинг энг катта масъулияти пайдо бўлди, у ҳам бўлса, юқорида айтганимдек, демократиянинг аравасини эплаб торта билиш. Шу сабабми, номининг ёнига "демократик" сўзини тиркаб олган ҳар бир партиянинг ўз нашри пайдо бўлди. Бу ҳам яхши. Аммо бу "яхши"лар ёмон томонга оғаётганларини тан олишмайди. Чунки ҳар бир партия ўз фаолиятининг фақат яхши томонларини ўз нашрида ёритаверади. Натижада матбуот омманинг ишончини йўқотади. Бу нарсанинг олдини олиш керак, деб ўйлайман. Чунки матбуот ҳам жамиятни бошқариш хусусиятига эга. Қайси маънодаки, матбуот жамоатчилик фикрини шакллантиради. Йўналтиради ва энг асосийси, бошқаради.

Бугунги матбуотимизнинг қандай камчиликлари бор? Мен мақтовдан тийиламан. Чунки касал одам врачга ўзининг соғ жойларини кўрсатиб мақтамайди, аксинча, оғриётган, азоб бераётган жойини айтиб нолийди. Шу маънода мен ҳам "нолимоқчиман". Агар бемор соғ жойини кўрсатиб мақтанаверса, бу ўта бачканалик бўлади. Шунга ўхшаб бизнинг матбуотимиз ҳам ҳозирча бироз бачкана, яъни мақтовни қуюқ қилади. Бу – матбуотнинг энг катта камчилиги. Буни йўқотиш учун журналистлар аввало ўзларининг газетаси нимадан иборат эканлигини аниқроқ англашлари шарт. Уларнинг газетаси қанақа? Жавобни дўстимнинг ушбу сўзлари билан келтираман: "Журналистлар қалами билан жамиятни "укол" қилиб туришмаса, осонликча оёққа туриб кетиши қийин. Мен шунинг учун ҳам қўлимга қалам олганман. Иллат микроби биттага бўлса ҳам камайганикамайган-да..."

Кўп журналистлар нолишади. Аслида эса Карим Баҳриев айтганидек, демократиянинг турган-битгани қарамақаршилик, чунки у тирик, чунки у ҳаракатдадир...

Шоди ОТАМУРОДОВ,
ТошДУ журналистика факультети IV курс толиби

МУНОСАБАТ

"ПЎЛАТ ГАДОЕВ НЕГА ҚАМАЛДИ?"

("Ҳуррият" 1999 йил 10 ноябрь)

ТАҲРИРИЯТДАН: ***...Газетанинг ўша сони чоп этилган куниёқ чаққонроқ мухлисларимиз аллақачон таҳририятга қўнғироқ қилиб, мақоладан мамнун эканликларини изҳор этишган бўлса-да, унга муносабат тарзида битилган мактублар оқими, орадан шунча вақт ўтса ҳамки, ҳамон тўхтагани йўқ.***

Тинимсиз келаётган мактубларга кўз югуртирарканмиз, мухлисларимизнинг дил изҳорларидан Пўлат Гадоевнинг оддий халққа нақадар камтарин ва олижаноб инсон бўлиб танилганига яна бир карра амин бўламиз, тўғрисўзлиги ва ҳақгўйлиги туфайли туҳмат балосига учраган Пўлат Гадоев номи матбуотда оқланиб чиқишини халқ қанчалик орзиқиб кутганини англаб етамиз. Қанийди, имкониятларимиз чегараланмаган бўлса-ю, Пўлат акага бўлган ҳурмат-эҳтиромини баён этиб, шу кунгача бизга мактуб йўллаган 100 дан зиёд мухлисларимизнинг дил изҳорларини газетада чоп этиб: "Пўлат ака, айрим нопок кимсаларнинг сизнинг шаънингизга доғ тушириш учун қилган ғаламисликларидан асло ташвиш чекманг, тушкунликка тушманг. Мухлисларингиз қалбида Сиз ҳамон ўша-ўша, жасоратли журналист Пўлат Гадоевсиз. Газетхонлар Сиздан яна теша тегмаган мавзулардаги салмоқли мақолалар кутмоқда", дея баралла айтсак.

Мақолага муносабат билдириб, бизга мактуб йўллаган азиз мухлислар! Қуйида эълон қилинаётган мактублардан сатрлар нафақат саноқлигина кишининг, балки сизларнинг ҳам дил изҳорларингиздир.

Мен Пўлат Гадоевни нарибериси билан чорак асрдан буён ажойиб инсон, яхши журналист сифатида яқиндан биламан. Унгача ҳам у кишининг ёзган мақолаларига ҳавас қилиб юрардик. 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида Пўлат ака билан "Қашқадарё ҳақиқати" да бирга ишлаганмиз. Мен ўша пайтлари вилоят газетасида қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири сифатида фаолият юритганим туфайли у киши билан кўп ижодий ҳамкорлик қилганмиз ва бу жараёнда кўп нарсаларни ўрганганман.

Ҳозирги "Чироқчи" газетасига муҳаррирлик қила бошлаганимдан (1987 йил) кейин ҳам Пўлат Гадоев "Халқ сўзи" газетасининг вилоят мухбири сифатида қачонки туманимизга келса, ёки Яккабоғ, Шаҳрисабз ҳамда Китоб туманларига ўтса, албатта, мени топарди ва у киши билан биргаликда турли жойларга чиққанмиз. Шундай пайтлари мен Пўлат аканинг журналист сифатида тегишли мавзуни ўрганишдаги, ариза ёки шикоятларни текширишдаги маҳоратига, холислиги ва масаланинг туб моҳиятига етиш борасидаги изчиллигига кўп бора гувоҳ бўлганман. Лекин, шу жараёнда у кишининг бирор марта таъмагирлик қилганини ёки бирор нарса сўраганини кўрган ёки эшитган эмасман.

Пўлат Гадоев "Халқ сўзи"да ўша пайтлари эълон қилинган муросасиз ва фош этувчи мақолаларнинг "қаҳрамонлари" ва бошқа аламзадалар қурбони бўлганлиги, уни бадном этиш учун бир неча "кучлар" бирлашиб ҳаракат этганлиги аниқ. Энди бу ишни ниҳоясига етказмоқ ва ҳақиқатни охиригича юзага чиқармоқ даркор. Токи, бу мана шу сингари фитналарнинг ташкилотчиларига сабоқ бўлсин.

Мақоладаги журналистлар ўртасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш туйғуси йўқлиги ҳақидаги фикрнинг тўғрилигини таассуф билан тан олмоғимиз даркор. Аслидаям ҳамкасбларимизнинг бундай пайтлари ўзаро бирдам эмасликлари аччиқ ҳақиқат. Юқоридаги ҳолат ҳам бунинг ёрқин исботидир ва ундан ҳар қанча хулоса чиқарсак арзийди. Ўрни келганда айтайки, бу соҳага қолганда маъмурий органлар ходимларининг олдига тушадигани йўқ. Улар ҳақ-ноҳақлигидан, асосли-асоссизлигидан қатъий назар, бир-бирларини шундай ҳимоялайдиларки, "Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди" мақоли бамисоли шундайлар учун айтилгандек гўё.

Яна бир аччиқ ҳақиқат шуки, бирон киши юқоридаги сингари тузоқлар билан қўлга туширилгандан бўлса, уни бадном этиш учун ҳамма усуллар ишга солинади. Чунки қўлга туширувчилар ўзларининг хашаги очилиб қолмаслиги учун бу йўлда ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайдилар. Бундай пайтда шу сингари фитналар кимнидир тавбасига таянтириш, номини бадном этиш учун атайлаб уюштирилганлигини исботлаш осон эмас. Чунки, одатда бу борада қонун "ҳимоячилари"ям "ташкилотчилар" тарафида бўладилар. Ушбу ҳолат Пўлат Гадоевнинг "жиноий иши" масаласида ҳам яққол кўриниб турибди.

Мен "Ҳуррият" газетаси ва унинг мухбири Абдураҳмон Ташановнинг оқсоқол журналистимиз Пўлат ака Гадоев ҳимоясига бағишланган адолатли ва жасоратли чиқишлари билан табриклаган ҳолда масала охиригача одилона ва холисона ҳал этилишига умид билдираман. Бизнинг қай даражада демократик ҳуқуқий жамият қураётганлигимиз мана шундай вазиятларда билинади.

Бердиёр ЖУМАЕВ,
"Чироқчи" газетаси муҳаррири

* * *

Ўзбекистон мустақиллигининг етти ёшини нишонлаб, жаҳонга ҳуқуқий, демократик давлат сифатида юз тутаётган, Муҳтарам Президентимиз томонидан жамиятда қонун устиворлиги энг муҳим принциплардан бири деб эълон қилинган ва бутун жамият ҳаёти инсонпарвар қонунлар асосига қурилаётган бир пайтда адолат тантанаси учун курашган ва бутун умрини шу элим, шу юртим деб, ёниб яшаб келган бир жафокашни, ўзидан кўра халқини кўпроқ севган бир оташнафасни шундай кўйларга солишса-я? Ахир, яхши одамлар ва истеъдод соҳиблари ҳам Оллоҳнинг биз одамларга берган неъматлари-ку?

Президентимизнинг халқимиз маънавиятига доир айтган бир гаплари бот-бот ёдимга тушаверади. "Ўзбекларга хос уят, шарм, ҳаё Европанинг жуда кўп халқларида топилмайди. Ҳатто, баъзи халқларда бу сўзларнинг таржимаси ҳам йўқ".

Қани, бизда ўша қадр-қиммат, инсонга бўлган ҳурмат?! "Маънавияти баркамол" теран томирларида буюк аждодларининг қони гупуриб турган баъзи миллатдошларимиз қачонгача мол-дунё илинжида, ўзини минг бозорга уриб, ўзлари сингари ҳаромтомоқларни еллаб, покиза ва ҳалол инсонларни бадном қиладилар? Инсон тақдири билан бемалол ўйнашиб, бировни ёмонотлиқ қилишдан тап тортмайдилар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг, сиз,
Унда миллат яшар,
унда халқ яшар.

Шоир минг карра ҳақ. Пўлат Гадоевнинг ҳам қалбида ўзи муқаддас деб билган миллати ва халқи яшайди. Шу халқнинг тузини еб, косасига тупурганлар, дилбандим деб, ардоқлаган фарзандларига ноҳақ тош отганлар шу халқнинг лаънатига учрайди.

Муқаддас ҳадису шарифларда айтилишича, кимки гуноҳ иш қилса, шу дунёнинг ўзида жазосини топқусидир. Пўлат ака! Сизга сўнгги сўзим. Дов-дастгоҳни йиғиштириш ниятингиз йўқ экан, томирларингизда журналистларга хос шиддат ва ғайрат барқарор экан, шарафли ва машаққатли меҳнатингизни давом эттиринг. Тушкунлик азобларини четга суриб, сабот ва чидам билан ишга киришинг.

Сизнинг бошингизга соя ташлаб турган қўланка тез кунда тарқаб, пешонангизни ва юзингизни адолат офтобининг заррин нурлари нурафшон қилгусидир. Ўзининг гуноҳини бировларга тўнкаб, вақтинча тантана қилиб юрганлар сизнинг кўз ўнгингизда шармандаю шармисор бўладилар. Чунки, сиз адолат тантанасига ишонасиз. Ишонч эса, ғалабанинг бошланишидир.

Азамат ШОХЎЖАЕВ,
Халқ таълими аълочиси
"Хўжаобод" қишлоғи

* * *

"Ҳуррият"нинг 1999 йил 10 ноябрь сонида "Пўлат Гадоев нега қамалди?" сарлавҳали мақолани ўқиб, ниҳоятда таажжубга тушдим.

Прокуратурани танқид қилган мухбир уюштириб қаматилгани кишини иztиробга туширади. Хато қилдингми, тан ол. Бу мард кишининг иши бўлиши керак. Танқид учун пинҳона уюштириб, пора ташкил этиб, журналистни қамаб юборишнинг энг ифлос иш деб ҳисоблайман.

Шаҳрисабздаги воқеани ёзган П.Гадоевнинг "Тирилган одам" мақоласи ёдимда. Ўша мақолани ўқиганда киши титраб, изтиробга тушиб ўқиган деб ўйлайман, чунки прокуратура, милиция ходимлари бегуноҳ аёлни икки жияни билан ўз эрини ўлдирганликда тан олдиргани, қийноқ азобларига мубтало этилгани ҳатто уларни энг олий жазога маҳкум этиш белгиланаётганини "Халқ сўзи" газетасидан ўқигандим. П.Гадоев ёзган эди. "Ўч олиш ёмон нарса, ҳақиқат енгиши керак". Бу гал ҳам журналист Пўлат Гадоевнинг енгиб чиқишига ишонаман.

М. НОДИРЖОНОВА

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

МУСОҲАБА

РУҲИЙ УЙҒОҚЛИК САРИ

Эркин АЪЗАМ: —Журналнинг титилган нусхасини кўрсак — биз учун байрам!

- Кейинги пайтларда кўп тилга олинаётган “Мафкуравий, маънавий бўшлиқ” нима ўзи? Уни “тўлдириш”ни қандай тушуниш керак?

- “Бўшлиқ” тушунчаси бу ўринда шартли маънода, моҳиятни моддийлаштириб ифодалаш маҳсули сифатида келяпти. “Маънавий бўшлиқ” ибораси эса мунозарали гап. Чунки, “Халқимиз ўтмишда ҳамиша ёғ ялаб яшамагандир, лекин ҳеч қачон маънавий қашшоқ бўлмаган” (Асқад Мухтор). Маънавий тазйиқ остида яшагани бор гап, ҳақиқат. Маънавият деганлари кўнгилнинг туб-қаърида бўлади, юзага чиқишига бир туртки кифоя. Мустақиллик келиб асл қадриятларимиз шитоб билан қад ростлагани шундан: улар бор эди, тирик эди, аммо мавжуд замон, ҳукмрон мафкура йўл бермас эди.

“Мафкуравий бўшлиқ” деганингиз энди хийла ўзга масала. Шўро сиёсати, коммунистик мафкура унсурлари бир неча авлоднинг қон-қонига сингдириб келинганини биламиз. Мустақиллик замонида ана шулар барҳам топди. Бинобарин, уларнинг ўрнини эгаллайдиган, тўлдирадиган, янги давр, янги тузумга муносиб ижтимоий-ахлоқий қарашлар, қадриятларга эҳтиёж туғилиши табиий эди. “Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси” деганга ўхшаш инсонни бир қолипга солишга мўлжалланган сунъий, зўрма-зўраки рисолалар пучга чиққач, жамият ахлоқини табиий бир маромга бурадиган муайян йўл-йўриқлар зарур эди, албатта.

Шу маънода бу ҳолни “бўшлиқ” эмас, ўтиш даврига хос маълум бир паришонлик, андак тараддуд деб атаса ҳам бўлар.

Сиз айтгандек уни “тўлдириш”га эса янгича тафаккур ва жамият мафкурасини шакллантириш, мустақиллик моҳияти негизида баркамол инсон тарбияси, миллий ўзликни англаш каби омиллар орқали эришилади.

- Журнал мундарижаси, савияси, шакл-шамойили билан зиёлиларга, ҳаттоки, зиёлиларнинг ҳам хос табақасига мўлжалланаётгани сезилади. Бу ҳол “Тафаккур”нинг кенг оммалашишига тўсқинлик қилмайдими?

- Журналимизнинг оммалашувидан манфаатдормиз, албатта. Лекин бунга арзонгаров, шов-шувли материаллар босиш йўли билан эришиш ниятимиз йўқ. “Тафаккур” ўз номи билан – тафаккур, олди-қочди гаплар ярашмас унга. Қолаверса, журналхоннинг изидан юргандан кўра уни эргаштирган самаралироқ эмасми? Қачонгача ўқувчига оддий бир гапни ҳам чайнаб берамиз? Унда руҳий-фикрий танбалликни рағбатлантирган бўлиб чиқмаймизми?

Яна бир гап: “Тафаккур” – соф илмий журнал эмас, бадиий фалсафа йўналишидаги нашр. Бинобарин, унинг услубини иложи борича соддалаштириш, ўқилишини енгиллаштиришни мақсад қилиб олганмиз. Шунга қарамай, журнал кутилган даражада қизиқарли чиқмаётган бўлса, бу энди бизнинг камчилигимиз. Яна шуниси ҳам борки, бизга журналимизнинг кўп нусхада чоп этилишигина эмас, кўпроқ ўқилиши муҳим. Қўлма-қўл бўлиб, титилиб кетган нусхасини кўрсак – биз учун байрам!

- Журналдаги “Моҳият жилолари”, “Руҳият сабоқлари”, “Ақл мунозараси”, “Инсон ўзинг, инсон ўзинг”, “Сурат ва сийрат”, “Миллат ва маънавият” каби ажойиб рукнлар жозибадорлиги билан кишининг ҳавасини келтиради. Улар остида чиққан мақола, бадиа, суҳбатларни ўқиб, кўпинча, “Қани эди, шу мулоҳазаларни кўпроқ одамлар ўқиса, шу мавзуларда баҳс-мунозаралар уюштирилса!” деб юборасан. Шундан келиб чиқиб бир таклиф айтмоқчи эдим: “Тафаккур”нинг ҳар бир сони босмадан чиққач, таҳририят қошида муаллифлар, мутахассислар, маърифатчилар иштирокида давра суҳбати ўтказилиб, мазкур суҳбат ҳам ТВ орқали, ҳам “Ҳуррият” орқали ёритилса.

- Қанийди! Таклиф-маслаҳатингиз учун раҳмат. Бу борада биздан нимаики лозим бўлса – тайёрмиз. Дарвоқе, журналимиз шу йўсин, боя Сиз айтгандек, янада оммалашиб кетса ҳам ажаб эмас.

- Сир бўлмаса, янги-янги муаллифларни кашф этиш услубингиз билан ўртоқлашсангиз.

- Бунинг сирли жойи йўқ. Янги-янги муаллифларни кашф этишни мақсад қилиб ҳам олмаганмиз. Нимаики арзирлироқ гап келса, журналдан ўрин

беришга ҳаракат қиламиз – муаллифи кимлигининг аҳамияти йўқ. Иш усулимиз шундай. Тематик сонлар, журнал йўналиши юзасидан буюртма бериш - ўз йўлига.

- Журналнинг йилига тўртта сони чиқиши Сизга оз туюлмайдими? Бу борада яқин-орада бирор янгилик кутиляптими?

- Аввало, тегишли расмий ҳужжатларда шундай белгиланган. Албатта, биз ҳам журналимизнинг даврийлигини ошириш тарафдоримиз. Аммо бунинг учун ҳам ижодий, ҳам моддий имконият даркор бўлади. Ижодий деганимиз шуки, журнални бугунги мавжуд савияда тайёрламоқ учун қўшимча ижодий куч, қўшимча материал зарур. Тўғри, бўш, саёз журналдан тўртта эмас, йилида ўн тўртта ҳам чиқарса бўлади. Бироқ бундан кимга наф?

Қолаверса, шу тўрттагина сонга қоғоз топиш ташвишини айтинг!

Дарвоқе, журналимизнинг ҳажми, унга сарфланадиган меҳнат (ижодий, техник-матбаавий) кўламини ҳам ҳисобга олиш лозим. Хуллас, икир-чикири кўп, буни келиб таҳририятда ишлаган одамгина билади.

Лекин яқин келажакда Сиз айтгандек, журналнинг йиллик сонини кўпайтириш режамиз бор. Бошқа яхши ниятлар ҳам йўқ эмас.

- Республика Маънавият ва маърифат кенгаши тузилгани журнал фаолиятида қандай акс этади?

- Янада кўпроқ масъулият юклайди, вассалом.

- Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Норали ОЧИЛОВ

"ТАФАККУР" — МЕҲМОН, "ҲУРРИЯТ" — МЕЗБОН

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Инсон зоти борки, орзу-умид билан яшайди. Зеро, орзу - ҳаётга маъно-мазмун берувчи бокиралик, инсониятни мудом тараққиётга ундовчи ойдинликдир. Одамзот гоҳи-гоҳида тун қўйнида чароқлаган осмонга боқиб “Менинг толе юлдузим қаерда?” дея хаёлга ботар экан, ким билади дейсиз, балки сирли ва мавҳум фазовий жисмни эмас, ўз орзусини ахтарар...

Самога сочилган юлдузлар нақадар кўп бўлса, инсоннинг орзуси ҳам шу қадар ранг-баранг. Тўғри, кишининг орзуси унинг жинси, ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, моддий шароити ва яна сон-саноқсиз бошқа омилларга боғлиқ. Қайси миллатга мансублик ҳам шундай омиллар сирасига кирса ажаб эмас. Чунки миллатни бирлаштирувчи, унинг ўзига хослигини белгиловчи хусусиятлар кишиларнинг орзу-умидларини ҳам маълум йўналишга солади, уларга муайян умумийлик бағишлайди. Демоқчимизки, кишиларнинг орзулари хилма-хил бўлиши билан бирга, уларда ҳаёт тарзидаги ўхшашлик, тарихий, жуғрофий, иқтисодий шароит ва анъаналаридан келиб чиқадиган умумий жиҳатлар ҳам бўлади. Бу мулоҳаза мантиқан “миллатнинг орзуси” деган тушунчани юзага чиқаради.

Журналимизнинг ўтган йили 3-сонида ёш, иқтидорли тадқиқотчи Фарҳод Ҳамроевнинг “Ўзбекнинг орзуси” мақоласида ана шу масалалар доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Мавзунинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти, миллий мафкурани шакллантиришдаги ўрнини эътиборга олиб, таҳририят муҳокамани давом эттиришни мақбул топди ва фаол муаллифларга бир неча савол билан мурожаат этди.

Адабиётда “америкача орзу” (“американская мечта”, “an american dream”) ибораси кенг тарқалган. У ҳар бир америкаликнинг ҳаётий интилишлари – миллионер бўлишни, тўғрироғи, ўз қўли, меҳнати, иқтидори ёки омади билан миллион доллар топиш орзусини ифодалайди. Унинг жамият ривожидаги муҳим ижобий жиҳати – фуқароларни фаоллик, тадбиркорлик, ташаббус, ихтирочилик – хуллас, тинмай изланишга ундайди. Бир мақсад йўлида собитлик ва қатъият билан меҳнат қилишга йўналтиради.

Табиий савол туғилади: умуман, бир миллатнинг орзуси бўлиши мумкинми?

Асримиз бошида юртимизнинг тараққиёт сари юзланиши ва Туркистоннинг мустақиллиги миллатпарвар аждодларимиз учун эзгу орзу бўлган эди. У, мана, рўёбга чиқди.

Ўзбекнинг эндиликдаги орзуси нима? Умуман, XXI аср арафасида миллий қадриятларимизга уйғун келадиган “ўзбекнинг орзуси” тушунчасига эҳтиёж борми? Уни лўнда қилиб қандай тавсифлаш мумкин?

Маънавиятимизнинг ҳар бир жонкуярини ўйлантирадиган бундай масалаларига доир мулоҳазаларни 2000 йил давомида журналхонлар эътиборига ҳавола этиб бориш ниятидамиз. Ўйлаймизки, баҳс муштарийларимизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

ТАҲРИРИЯТ

ОРЗУЛАРИМИЗ КЎП, ЖУРЪАТИМИЗ КАМ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Ўзбек – орзу-ниятдан яралган халқ. Бир кунда неча бор дуога қўл очади ва эзгу ният қилади: тинчлик, тан сиҳатлик, хотиржамлик бўлсин; ўтирган ўрнимиз йўқолмасин; инсофу диёнатдан айирмасин; тўрт кўз тугал турсин; уйимиздан қут-барака аримасин; охиратимизни обод қилсин ва ҳоказо. Улар шу қадар кўпки, қайси бир халқнинг ижтимоий иродасини, тарихий интилишини кўпроқ акс эттиради – дабдурустдан бир нарса дейиш қийин. Ахир, “Орзуга айб йўқ” деган мақолни ўйлаб топган ҳам ўзимиз-да!

Феълимиз – кенг, кўнглимиз – тоза, ичимизда ғубор йўқ. Амалга ошадими, йўқми – барибир, ёмон нарсани ўйлагандан кўра, яхшининг ҳаваси билан яшамоқни аъло биламиз. Яхши ният – ярим давлат!

Лекин қачонгача “яримта”-га қаноат қилиб яшаймиз? Бошқалар биздан кўра камроқ орзу қилади, аммо ейиш-ичишга келганда, мудом бутун-бутун, лахтак-лахтак ютади. Бизники ҳамиша ярим. Чунки тилаганимиз шу: яхши ният – ярим давлат.

Гап шундаки, биз қолган ярми учун ҳаракат лозимлигини унутиб қўйганмиз. Ният – биздан, қолгани – худодан, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, худо, авлиёларнинг айтишича, “Сендан - ҳаракат, мендан – баракат” дер экан. Афсуски, ҳаракатимиз сустроқ. Фаол ҳаракат этишга андишалилигимиз халақит беради шекилли...

... Тарихимиздан озгина хабардор юртдошимиз яхши билади: миллатимиз бир замонлар одил ҳукмдорни, яна бир замонлар миллий иттифоқни, баъзи даврларда ёв зулмидан қутулиб, ўз ерига ўзи эга бўлишни орзу қилган. Бугун биз батамом янги бир тараққиёт йўлидамиз. Бинобарин, миллатимиз иродасини ифодалайдиган, унинг юксалишига қувват бўладиган орзунинг маъно-моҳияти ҳам бугун ўзгача. Бугун турли миллат ва мамлакатларнинг моддий ва маънавий салоҳияти баҳсга, мусобақага киришган замон. Бу замон башариятга хос барча эзгу интилишлар – маърифатпарварлик, тадбиркорлик, билимдонлик, ватанпарварлик, фидойилик – барча-барчасини юзага чиқаришни тақозо этади. Яъни комилликка, тараққиётга интилиш – бугунги зўр зарурат. Қувончли жиҳати шундаки, биз инсоний иродамизнинг мана шу жиҳатлари бўйича тарихда неча бор ўзлигимизни намоён этганмиз. Фақат энди, бундан буён ўз-ўзимизга маҳлиё бўлиб ўтирмай, орзумизга яраша шижоатимиз ҳам борлигини кўрсатмоғимиз лозим. Токи ўзлигимиз беклигимизда намоён бўлсин, токи бизга бошқалар маҳлиё бўлсин! Токи яхши-яхши ниятларимизнинг бир бўлаги – “ярми” бизга қолиб, асосийси – амалий натижаси бошқаларнинг қўлидаги қуролга айланмасин!

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

МОЗИЙНИНГ ҚОРА КЎЛАНКАЛАРИ

Кўҳна Шарқ! Не-не жангу жадаллару не-не қонли воқеалар содир бўлмайди дейсиз бу заминда. Мозий саҳифаларида мудҳиш из қолдирган шундай воқеалардан бири Ҳасан Саббоҳ исмли шахс номи билан боғлиқ. У асли эронлик, тўлиқ исми Ҳасан ибн Али ас-Саббоҳ бўлиб, 1054-1124 йилларда яшаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳасан Саббоҳ илм истаб Мисрга борган. У пайтда Қоҳира суннийликка зид бўлган исмоилия оқимининг марказига айланган эди. Ҳасан Саббоҳ исмоилийлар ҳаракатига қўшилиб, унинг фаол тарғиботчиларидан бирига айланган. У диний мутаассибликка ўта мойиллиги ҳамда юксак қобилияти билан бошқалардан ажралиб турган ва тез орада Қоҳирада катта нуфузга эриша бошлаган. Обрў-эътибори ва таъсирининг муттасил ўсиб бориши бу мазҳабнинг айрим вакилларида унга нисбатан ҳасад уйғотиб, улар турли йўллар билан Ҳасанни Мисрдан сургун қилдиришга эришган.

Ривоятларга кўра, Ҳасанни мамлакатдан бадарға қилиш учун кемага ўтқазадилар. Йўлда тўсатдан даҳшатли бўрон кўтарилиб, кемадаги кишиларни ваҳима босади, улар ўлим талвасасида ўзларини ҳар ёққа ура бошлайди. Ҳасан Саббоҳ эса ўзини йўқотмай: “Тангри менга ҳеч нарса бўлмаслиги ҳақида хабар берди!” деб қичқиради. Шунда бўрон бирданига тиниб, атрофни сокинлик чулғайди. Буни кўрган денгизчилар “Мўъжиза, мўъжиза!” деб қичқирганларича Ҳасаннинг пойига йиқилишади ва унга ихлос қўйиб, муридликка ўтади. Денгиздан эсон-омон ўтиб олган Ҳасан Саббоҳ атрофига йиғилганлар билан Эронга етиб келади ва маслакдошларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Сўнг уларнинг кучи билан Ироқ ва Дайлам (Ғарбий Эрон) оралиғида жойлашган Аламут қалъасини қўлга киритади. Қалъани “Бойлик маскани” деб атаб, атрофдаги ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатади.

> **“Зулм йўлин тутган кимсаларга берилиб кетманглар, эргашманглар. Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар.”**
> ***(Қуръон, “Ҳуд” сураси, 113-оят)***

Бу ривоят нақадар тўғри экани ҳақида бир нарса дейиш қийин. Аммо Ҳасан Саббоҳ Аламут қалъасида мақсади террорчилик бўлган яширин уюшмага асос солганини тарихий ҳужжатлар тасдиқлайди.

Ҳасан Саббоҳ шу тариқа исмоилия мазҳабига асосланган давлат барпо этади. Аламут қалъаси унинг пойтахтига айланади. Шундан сўнг Ҳасан яна бир неча қалъани қўлга киритиб, ҳудудларини кенгайтириш ҳаракатига тушади ва ўша даврдаги энг кучли давлатлардан бири бўлган салжуқийлар султонлиги билан рақобатлаша бошлайди. Лекин бундай кучли давлат билан очиқданочиқ ёвлашишдан ҳайиққан Ҳасан террорчилик йўлини танлайди ва шу мақсадда яширин ташкилот тузади. Унга чапдаст ва қўрқмас йигитлар танлаб олинган ва махсус тайёргарликдан ўтказилган. Ҳасан Саббоҳ уларга қалтис топшириқлар берган. Саббоҳчилар шу йўсин тез орада шафқатсиз террорчилар сифатида ном чиқара бошлаган. Улар қўллайдиган асосий зарба услуби яширинча тиғ уриш бўлган. Айтишларича, амалдорлар, зодагонлар Ҳасаннинг йигитларидан хавфсираб, кийимлари тагидан совут кийиб юришган.

Асадали ҲАКИМЖОНОВ,
Зоҳиджон БОЗОРОВ

МУТОЛАА

МАЪНАВИЙ РОҲАТУ АЗОБЛАР

Шукруллонинг янги “Тирик руҳлар” романини ўқиб...

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

Собиқ коммунистик сиёсатнинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлганлигини мустақилликка эришилгандан буён фош этмоқдамиз-у, лекин нуқул қоралаш, сўкиш, лаънатлашдан нарига ўта олмаяпмиз. Ваҳоланки, нималар, кимлар яхши-ю ёки ёмон эканлигини шунчаки билиш эмас, балки уларнинг уруғлари қаерга қадалиб, сепилиб, қачон, қаерларда қандай илдиз отганини, қандай натижаларга олиб келганини аниқлаш муҳим салбий ҳолатларни фош этиш, ижобийларини равнақ топтириш чораларини кўриш жоиз. Буни бутун вужуди билан ҳис қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш иши ниҳоятда улуғвор, айни чоқда мислсиз даражада мураккаб, оғир, масъулиятли эканини чуқур англаган айрим ижодкорларимиз ўзига хос мардлик намуналарини кўрсатмоқда. Улардан бири Шукрулло яқинда “Тирик руҳлар” романини нашр эттирди.

“Тирик руҳлар” романи “Ўтган кунлар”, “Кеча ва кундуз” ёхуд “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат” сингари асарларга муштараклиги сезилса-да, кўп жиҳатлари билан алоҳида ажралиб ҳам туради.

Шукруллонинг янги асарида икки асосий қаҳрамон бўлиб, уларнинг ҳам инсон, ҳам арбоб тарзидаги хатти-ҳаракатлари, изланиш-интилишлари, айниқса, маънавий роҳату азоблари кенг кўламда ёритилган. Асарга илова қилинган “Муқаддима”даёқ буни ҳис қилиш эмас: “Умрим бўйи орзу қилганим Ҳуррият учун курашиб, ўз жонларини қурбон қилганларнинг аламли ва даҳшат тўла бошдан кечирганларини менинг ёшимда эслаш, қалбдан ўтказиб, қоғозга тушириш оғир, лекин бу қанчалик асабни ларзага соларли қақшатқич бўлмасин, уларнинг руҳи поклари ушбу романни ёзишда менга мададкор бўлди”.

Гап бу ерда Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев тўғрисида кетаяпти ва ана шу зот “Тирик руҳлар”нинг бош қаҳрамонларидан биридир. Иккинчиси эса Шукруллонинг ўзларидир. Тўғри, иккинчи қаҳрамон асар воқеаларига бевосита аралашиб, ўша Убайдулла ёки унинг бош ҳамкорлари-ю рақиблари билан тўқнашмайди, ўзаро муносабатлари бевосита эмас, бавосита ёритилади. Аниқроғи, бамисоли саҳна орқасида туриб, рўй бераётган ҳодисаларни шарҳлаб, изоҳлаб тургандай таассурот туғдиради. Ўзлари кўринмайди-ю, бутун вужуди, руҳи, қалб қувончлари-ю изтироблари сезилиб турадики, бу бир жиҳатдан табиийдир. Ахир, чинакам сўз санъаткорининг ҳар бир асари унинг ўз фарзанди сингари дунёга келади-ку!

“Тирик руҳлар”нинг дунёга келиши ниҳоятда жиддий воқеадир. Зотан у “Жавоҳирлар сандиғи”, “Кафансиз кўмилганлар” каби китобхонлар хотирасида узоқ сақланиб, мустақил фикрлашга, баҳслашишга чорлаб, ҳаётийлиги билан ажралиб турадиган асарлар сафига келиб қўшилди. Мана шундай фазилатни асарнинг боблариданоқ сезиш қийин эмас.

Биринчи боб “Фарёд” деб аталади.

Хўш, қандай фарёд тўғрисида сўзланаяпти?

Бунга жавобан муаллиф ёз кунларидан бирида тасодифан кўнгилларни беҳузур қилувчи қаттиқ довул туриб, том тунукаларини учириб тушираётгани, мевали дарахтларни синдираётгани, шиддатли ёмғир бир зумда дўлга айланиб, ҳамма ёққа ваҳм солаётган бир пайтда Убайдуллахон отилишга ҳукм қилинибди, деган хабар келгани-ю, фақат унинг отаси Асадулла махсум эмас, балки барча қариндош-уруғларининг уйларида қий-чув, йиғи авжига чиққанини тасвирлайди.

Сўнгра мана шу тасвир кучайтирилиб, асар бош қаҳрамонининг қай даражада улуғ инсон эканлиги кўз ўнгингизда гавдалантирилади. Гавдалантирилишида бир далил ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Гап ўзбек зиёлиларидан биринчи бўлиб, Убайдулланинг буюк рус ёзувчиси Лев Толстой билан хат ёзишиб, баҳсга киришгани тўғрисида кетаяпти: “Ҳа, ўша Убайдулло! У замонларда Толстой асарларини ўқиш эмас, унинг номини, ҳатто ижодкорлар орасида ҳам билганлар кам бўлган даврда, унинг “Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик” ҳақидаги дунёқараши, фалсафаси тўғрисида шундай буюк адиб билан баҳслашишга журъат этиш! Унинг устига яна рус тилида, Толстойни қойил қиладиган савияда ёзиб, фикр ифода қилиш!”

Аввало шуки, асарда “ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик” деган Толстой ғоясининг бирёқлама эканлигини тушунибгина қолмасдан, Убайдулла Асадулла махсум ўғли бутун умри, ҳаётини, амалий хатти-ҳаракатларини ўша бирёқламаликни ҳар томонлама исботлаганига урғу берилади. Исботлардан биринчиси шуки, буюк рус ёзувчисининг ўша фалсафий қараши мустамлакага айлантирилган Туркистонга нисбатан қўлланилса, майли, бу мамлакатдаги халқлар эзилаверсин, босқинчиларнинг ёвузлигига қарши курашмасин, тақдирга тан бериб кунини ўтказаверсин, деган маъно англашилади. Англашилиш жараёни ҳам анча кенг кўламли бўлиб, бу борада Убайдулланинг дастлаб Россияда ўқиб, зарур таълим олгандан кейин маърифатпарвар сифатида майдонга чиққани, ўз халқи кўзини очиш учун "Садои Туркистон" газетини таъсис этгани қайд этилади. Сўнгра Туркистон Мухторияти тузилганда ҳарбий ва ички ишлар вазири вазифасини бажаргани таъкидланган.

Кўраяпсизми, диққат марказига тарихий рақамлар билан ҳужжатлар чиқарилаяпти. Бинобарин, “Тирик руҳлар”ни тарихий роман, деб аташ мумкиндир, лекин тўла эмас, қисман шундай дейишга асос бор. Зотан бош қаҳрамон тарихий шахс бўлиб, унинг қачон, қаерларда қандай таълим олиб, истеъдодли ҳуқуқшунос, адвокат сифатида шаклланиши, ниҳоят, йирик арбоб даражасига кўтарилиши, шу аснода бир неча бор ҳам Чор Россияси, ҳам большевиклар, совет ҳокимияти томонидан қатағон қилиниши, қамалиши, ниҳоят, ваҳшиёна ўлдирилишига оид бир қанча ҳужжатлар келтирилганлиги рост ва бу "Тирик руҳлар" романига тарихийлик бахш этади. Шу билан бирга Убайдулла Асадулла ўғлининг таржимаи ҳоли бошдан оёқ барча тафсилотлари билан ёритилган эмас. Фақат айрим муҳим жиҳатлари қаламга олиниб, қаҳрамоннинг асосан ижтимоий-сиёсий фаолияти батафсил ёритилади.

Бобдаги фарёду ғам-аламларнинг сабабларидан асосийлари зўрлигу зўравонлик эканлиги намоён қилингандан кейин иккинчи бобга ўтилиб, унинг "Содиқлик" деб аталгани бежиз эмаслигини англайсиз. Сўнгра "Гап" бошланиб, "Орзунинг азоблари" давом эттирилади-да, "Қилич қинидан чиқди" деган бобга рўбарў келасиз... Унга эса "Фарзандинг шундай бўлса..." деган яхши ният қўшилади-да, олдингиздан "Қил кўприк" чиқади. Бундан кейин "Офат" пайдо бўлади. Энди гал нимага келади, десангиз, дарров "Кишанланган эрк"ка дуч келасиз. Ниҳоят, "Сталин билан юзма юз" бўлиб, "Хиёнат" кўчасини кўрасиз. Пировардида "Ҳукм" ўқилиб, "Башорат"га келиб тўхташга мажбурсиз...

Романда даҳшатли азобу уқубатлар, ғам-аламлар биринчи галда мутлақ яккаҳокимлик оқибатида келиб чиққанлиги яққол кўрсатилган. Бош қаҳрамоннинг гоҳ ота-она, қариндош-уруғлари, гоҳ Чўлпону Фитрат, гоҳ Мунаввар қорию Беҳбудий, Авлоний, шунингдек, Таваллo, Камий сингари ижодкорлар, арбоблар ҳамда уларга эш бўлган Заки Валидий, Илёс Алқин, Мустафо Чўқай каби Туркистоннинг илғор зиёлилари билан ҳар хил шарт-шароит, вазият тақозосига кўра галма гал учрашиб, фикр алмашувлари, баҳсу мулоқотлари айни шу нуқтаи назарни тасдиқлашга қаратилган. Собиқ совет ҳокимияти, Чор Россияси, умуман барча мустамлакачилар қўл остидаги халқларга оғизда инсоният тарихида мисли кўрилмаган эрк, озодлик, мустақиллик берамиз, дея бонг урганлари, аслида эса моҳирона ниқобланган азобу уқубатларга кўмиб ташлагани асарнинг бошидан то охирги нуқтасигача яққол сезилиб туради. Ҳар қандай жамият тузумда хом сут эмган бандалар бир-бирларига билиб билмасдан, кўриб кўрмасдан ўзаро муносабатлари давомида қандайдир халақит беришлари, ғам-аламларга дуч келтиришлари ҳеч кимга сир эмаски, "Тирик руҳлар"да мана шу маъно ҳам ифодаланган. Бундан-да салмоқлироқ яна бир хулоса шуки, барча фуқароларнинг ўзаро муносабатларини яккаҳокимлик белгилаб турган ҳолда ҳеч қачон ҳам маънавий, ҳам моддий фаровонлик таъминланмайди. Демак, ҳақиқий демократик қонун-қоидаларга асосланган мустақиллик, ҳурлик давлатни ҳам, фуқароларни ҳам бошқариб турмаса, ҳеч қандай ҳақиқат ғалаба қозонмайди.

Эътироф этаман. "Тирик руҳлар"ни обдон мутолаа қилиб, оддий китобхон сифатида шундай хулосалар чиқардим. Бироқ адабиётшунослик эҳтиёжимни қондира олмадим. Негаки, Шукруллонинг мазкур янги асаридаги ранг-баранг, сирли-ю сеҳрли, зиддиятли адабий-бадиий, фалсафий, тарихий мазмун таҳлили-ю тадқиқи энди бошланади ва у кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, баҳсу мунозараларга чорлайди, деб ўйлаяпман...

АЖАБО!

Кунига 150 бет китоб ўқиган киши рангли туш кўради

Ўзингни англаб ет! ҲУРРИЯТ МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА 26 январь - 1 февраль 4 (157)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс: Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма —

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Teruvchi: ANORA

БИР БОР ЭКАН,

"ХОТИНИМ КАСАЛ БЕВИНГИЗМИ?"

Эгнига оқ халат ва бошига узун оқ қалпоқ кийган бўлим мудири нималарнидир ёзиб ўтирарди. Эшик очилди. Шу асно бўлим мудири ёзишдан тўхтади ва ихлёл бошини кўтариб, эшик томонга қаради. Қаршисида ёши қирқлардан ўтган, ўрта бўйли, семиз, эгни-боши дуруст киши турарди. Унинг сиртига қараб ҳарқалай хашаки одамлар тоифасидан эмаслигини ва айни пайтда авзойи бироз бузуқлигини ҳам англаш қийин эмасди. У салом берди. Бўлим мудири бош иргаб, алик олди-ю, "хўш, хизмат, эшитаман", дегандек саволомуз кўз тикди.

— Хотиним уч кундан бери шу ерда ётибди, доктор, — деди у норози қиёфада. — Аҳволи оғир. Ҳозиргача бирор ҳаким кириб кўрмади, дори-дармон қилмаяптилар, деяптилар, — У дўқпўписа, тартиб-қоида суриштириш билан ҳеч нимага эришиб бўлмаслигини, ҳакимларнинг бадтар қитиқ-патига тегишини, оқибат ўзи зиён кўришини, қандай бўлмасин муроса, муомала қилишдан ўзга чораси йўқлигини яхши тушунарди. Шунинг учун жаҳлини ичига ютиб, ўтинганнамо деди. — Илтимос, бир қарашсангиз. Биз ҳам яхшиликни унутадиган йигитлардан эмасмиз.

Бўлим мудири ўтиришга жой кўрсатди. Кўзойнагини олиб худди имтиҳон топширишга кирган талабанинг жавоб беришини кутаётган домлага ўхшаб, бир муддат синчков разм солди ва: "Қаерда ишлайсиз?" деб сўради.

— Паррандачилик фабрикасида, — дея жавоб берди у.

— Ким бўлиб?

— Қоровул бошлиғи.

— Худонинг рўпара қилганига қаранг-а, — худди йўқотиб юрган ўйинчоғини нохос топиб олган боладай яйраб кетди бўлим мудири ва қоматини кериб курсига суянди. — Тухум туғадиган товуқдан йигирматагина керак эди. Қаердан олишни билмай юргандим... Сизларда сотмайдими?

— Аслида сотмайди, лекин мен сизга ҳаллаб бераман, — деди қоровул бошлиғи ҳакимнинг кўнглига йўл топганидан мамнун бўлиб.

— Бозорга кирсам, тузуқроқ гўшт ҳам йўқ. Бошим қотди, — давом этди бўлим мудири яна ниманидир ундириб қолиш илинжида ва ўрнидан туриб суҳбатдошига яқинроқ ўтирди. — Хотин шанба куни меҳмон келади, деганди.

— Товуқ гўшти ҳам бўладими? — сўради қоровул бошлиғи бўлим мудирининг муддаосини фаҳмлаб.

— Товуқ гўшти парҳезбоп, калорийний. Кошкийди бир укалик қилсангиз.

— Мен беш-олти швецарский товуқни сўйдириб келтираман.

— Бўлмаса, бозор қилиб ўтирмасам ҳам бўлади-да?

— Тамом, гап битта!

— Ҳозир пулини бериб қўяй, сизга оғир бўлмасин, — бўлим мудири ёлғондакам чўнтагини ковлашга тутинди.

— Жонингиз соғ бўлсин, буёғини бизга қўйинг, — унинг қўлидан маҳкам ушлади қоровул бошлиғи. — Фақат келинингизга дурустроқ қарасангиз бўлди.

— Одамни жуда ноқулай аҳволга қўйдингиз-да, — деди бўлим мудири тилла тишларини ярқиратиб ишшаяркан. — Ҳа, дарвоқе, хотиним касал дедингизми, қайси палатада, фамилиялари ким? — деди бўлим мудири стол устидаги касаллик тарихларини титкилашга тутинаркан. — Ўзим ҳозир кириб кўраман. Ташвишланманг! Ҳаммаси яхши бўлади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Бухоро

АФОРИЗМ ЎРНИДА

"Братан" сўзи "биродар" сўзининг синоними эмасмикан?!.

26 ЁШЛИ ҚАРИЯ

Литванинг Езнас шаҳарчасидаги ёш оилалардан бирининг "боши"га мудхш мусибат тушди. Оила бошлиғи – Альвидас, киши кўз ўнгида қарий бошлади. Унинг учун бир йил 10 йилдек ўтиб, 25 ёшда 75 ёшли чолга айланиб қолди. Дастлаб Альвидас юзидаги ажинларни кўрганда унчалик аҳамият бермади. Бироқ унинг ёш хотини Лайма бу ажинларнинг борган сари чуқурлашиб, териси шалвираб кетаётганидан хавотирга туша бошлади. Ҳамда эрини врачга мурожаат қилишга даъват этди. Врач Альвидаснинг етти ухлаб тушига кирмаган диагноз қўйди - тез қариш.

Камдан-кам учрайдиган бу касаллик ҳақидаги хабар тезда катта шов-шувга сабаб бўлиб, газета саҳифаларида дунёга бўйлаб кезди.

Альвидас бир йил аввал қиз фарзанд кўрди. Лекин у бошига қандай мусибатлар тушмасин, оиласини боқиши, рўзғорни тебратиши керак. Шунинг учун имкон қадар маҳаллий телефон ташкилотидаги ишини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилади. Ҳозирда Альвидас ва Лайма одамлар кўзидан қочадиган бўлиб қолишди. Таниш-билишлар нима бўлди – нима қўйди, деб сўрайверириб ҳоли-жонига қўймади. Баъзилари бу оилада пайдо бўлган чолнинг ҳақиқатдан ҳам Альвидаслигига ишонмай қўйдилар.

- Организм кўз ўнгингда қариса, қандай қилиб келажак ҳақида ўйлаш мумкин? - куюниб ўз-ўзидан сўрайди Лайма. – Бу бахтсизликдан бехабарлар мени жиннига чиқариб қўйишди: "ёшгина қиз қандай қилиб қари чол билан яшайди?" Менга бундай гапларни эшитиш оғир. Альвидасдан ажралиб қоламан, деб қўрқаман.

Лайма Альвидасдан бор-йўғи бир ёш кичик. Улар мактаб давридаёқ бир-бирини яхши билишган ва севишиб турмуш қуришган. Гарчи Лайма ёш, кучли ҳис - туйғуга эга бўлса-да, ҳамон Альвидасни қаттиқ севади. Унга хиёнат қилишни эса хаёлига ҳам келтирмайди. У ҳатто врачлар Альвидаснинг нафақат ташқи аъзолари, балки ички организми ҳам қариб бораяпти, дейишларига қарамасдан, мустаҳкам ирода вакиласи эканлигини намойиш этмоқда.

Илоҳим, Оллоҳ унинг бу садоқатини абадий қилган бўлсин.

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА

А.Ҳакимов чизган сурат

БОШҚОТИРМА

Тел: 133–69–45 Тузувчи: Нилуфар МИРХОЖИЕВА

Энг пастда берилган ҳарфларни айлана шакллар ичига шундай жойлаштирингки, натижада 10 та қатор бўйича 10 адиб ва шоирнинг номи келиб чиқсин

KROSSMARAFON 2000

КУПОН № 4



УДДАБУРОН УСТА

Дарсдан қайтаётиб, тўсатдан соатимнинг бузилганлиги эсимга тушиб қолди. Уни тузатгтириш мақсадида донг таратган болалар магазинига кирдим. Соат тузатиш устахонаси ушбу магазин ичида жойлашган. Кичкинагина устахона олдида мижозлар турнақатор бўлиб навбатда туришарди.

Навбат бир қизга келди. Қизнинг бошига оғир қулфат тушган шекилли, соатни эътиборсизгина устага узатди-ю чуқур ўйга толди. Уста соатни ковлаштириб унинг батареясини олдида, стол устига қўйди. Шундан сўнг "буни бизда эмас, универсамда тузатишади", дедию соатни эгасига узатди. Қиз ҳам паришонлик билан соатни олиб кетди.

Навбат бошқа қизга келди. Уста стол устидан бояги батареяни олдида қизнинг соатига қўйди. Кейин эса кўзини лўқ қилиб "50 сўм бўлади" деди. Қиз ҳам норозигина бўлиб ҳақини тўлади. Виждон азобидан қўрқмаган уста бир кунда қанча-қанча мижозларнинг ишларини "кўл учида қилиб" кун кўраркан. Наҳотки шу қисқа умр жиловини ҳам нафс деган балога қулликка ўзимиз тутқазсак? Хар қуни ҳар биримиз шу йўсинда "одамларнинг ҳожатини чиқарсак", биздаги виждон, инсонийлик деган тушунчалар қаерда қолади? Ахир халқимизнинг "Харом луқма қирқ йилда ҳам тешиб чиқади" каби ибратли мақоли бежизга айтилмагандир. Ёки ҳамма нарсани "замона оғирлиги"га боғлаб кетаверамизми?

Ҳусния ПАРДАЕВА,
ТошДУ талабаси

Сизга атаб сомса пиширгандим

Йигит қизга деди:

—Рухсат этинг, яхши қиз, сизни кафега таклиф қилсам.

—Йўқ, рахмат.

—Билиб қўйинг, мен ҳаммани ҳам таклиф қилавермайман.

—Мен ҳам ҳаммага рад қилавермайман.

* * *

Ишдан қайтган эр йиғлаб ўтирган хотинидан сўради:

—Нима бўлди, тинчликми?

—Сизга атаб сомса пиширгандим. Бироз чалғигандим, итимиз еб қўйибди.

—Хеч қиси йўқ! Агар итимиз ўлиб қолса, бошқасини олиб келаман.

* * *

—Ойи, дадам менга: "Бизлар маймундан пайдо бўлганмиз", - дейдилар. Шу тўғрими?

—Билмадим, ўғлим, даданг қариндошлари билан мени таништирмаган.

* * *

Бемаҳалда қайтган хотин эрига:

-Жоним, мен машинани кўчада қолдирдим-а!

-Нега ахир кўчада қолдирасиз? Гаражимиз борку!

-Ўзга илож йўқ эди-да!

-Нега?

-Кўча қоронгу, машинанинг деталларини териш қийин.

ҲИОБҲАМҲИ

АЛМОЙИ АЛЖОЙИ

➔ **— Эртага ҳамма соч-соқолини олдириб келсин, мактабимизга комиссия келади.**

➔ *— Мен берган дориларни ичиб турсангиз, бир ҳафтада тузалиб кетасиз.*

— Агар ичмасам-чи?

— Унда етти кунда...

➔ **— Офтоб қуёши тиккага юмаламокда.**

➔ *— Жаҳлим чиқса қошимни юламан.*

➔ **— Муқимий домлани ҳазрати Навоийнинг ўзлари ўқитган.**

➔ *— Нега йиғлаяпсан, болакай?*

— Дадамни йўқотиб қўйдим.

— Даданг бўлмаса уйингни тополмайсанми?

— Мен-ку топаман, дадам тополмайдида.

➔ **— Қуёш чиққанда кеч соат олти эди.**

➔ *— Аҳмаджон, сенинг исминг нима?*

➔ **— Ўттиз тонна шолини сичқонлар еб, тузилган актларни каламушлар талон-тарож қилиб кетганлар.**

➔ *— Моллар ориқлагани учун, уларнинг бола очиши ачинарли аҳволга тушиб қолган.*

ДИЙДИЁ

БИР РЎЗҒОР МОЖАРОСИ

Зиёлиман, оддийгина ўқитувчи,
Бир нимага етмас баъзан ақлим кучи.
Ўғирлик-ку, қилолмайман икки дунё,
Кўз ўнгимда кечаётган тушми, рўё?!

Тик оёкда дарс ўтсам-да, куни бўйи –
Боролмайман "фалончи"нинг бўлса тўйи.
Чўнтак қўргур кўтармайди буни қаранг –
Йўлкирага етказаман ҳар кун аранг.

Чарчаб келсам ўғлим битта қоғоз тутар,
Ўқиб кўриб юрагимни хуруж тутар.
Юраги тор хотинимнинг феъли курсин –
Омадсиз бир эркаксан деб, ёниб-тутар.

"ЖКО" деган бир балодан келган экан,
"Тўлангиз!" деб нархин битиб кетган экан.
Пулга чақиб суву чиқит, уни-буни
Ушбу пулни тўланг деган фалон куни.

"Сумма"сига назар солсам, чақиб олди,
Тушун ахир, десам хотин қовоқ солди.
Рўзғорни-чи, ўйлайсизми, сиз ҳам дейди,
Унимиз йўқ, бунимиз йўқ, бу кам дейди.

Бир йиллик газ тўловини тўланг дея –
Эртасига товон келди, нархи – "туя".
Маошгача роппа-роса ўн беш кун бор –
Ақлим етмас, пул топишда имконим тор.

НАШТАР

НОСГА ЎТИНГ, БИРОДАР

Ҳурматли кашанда биродарлар!

Яқинда бир газетада "Носдан олинг, биродар" номли мақолани ўқиб қолдим. Унда муаллиф носнинг сигаретага нисбатан тиббий афзалликлари ҳақида фикр юритиб, ўз фикрини илмий ва ҳаётий далиллар билан асослаб беришга уринган.

Оними, ўша мақоладан сўнг мен ҳам нос маъқулми ёки сигарет дея ўйланиб қолдим. Шу десангиз, тунов куни сигарет чекаётиб, беҳосдан носнинг сигаретага қараганда бир неча афзаллик томонлари борлигини кашф этдим-қўйдим.

Қанақа кашфиёт, дейсизми? Жуда зўр. Фақат эшитишга шошилманг-да, оғайни. Олдин битта-битта чекиб олайлик. Сўнг ҳаммасини "от и до" айтиб бераман. Маъқулми? Ҳа, бу бошқа гап. Чекишдан олинг...

Шундай қилиб оғайнилар, ҳозирча ақлим етгани тўбандагилар: биринчидан, нос сигаретадан анча арзон. Агар ишонмасангиз, ана, бозорга боринг.

Иккинчидан, нос чекиш учун жой танламайди. Биргина тўфлаб ташлаш муаммоси ҳал этилса бас. Хумори тутганда вақтида сигарет чеколмайдиганларга алам қилсин, йўғ-е, ҳамдардлик билдиранман.

Учинчидан, шуки, нос чекиш учун ҳеч вақо, сигарет чекишга эса олов керак. Ҳожибойнинг сигарет чекиш мақсадида кечаси шам кўтариб гугурт қидирган танишини бир эсланг. Ҳа, шунақа. Керагида гугурт топилмаса ҳам қийин. Буям кичик бир муаммо.

Тўртинчидан, зарур бўлганда бир дона сигаретани 5-10 кашанда чекишиши мумкин. Нос эса тилнинг тагига тўшдими, тамом, у сизники. Ҳеч қандай "қолдиринг", "чекишайлик"ларга ўрин қолмайди.

Бешинчидан, нос чекувчи биродарларимиз нос харид қилишда имтиёзга эгадирлар. Яъни, улар олиш-олмасликларидан қатъий назар /пули бўлса албатта олади/ бир отим носни текинга чекиб кўришлари мумкин.

Э-э, хуллас, кимга маза, нос чекувчиларга маза экан-да...

Ҳозирча шу. Қолганими носга ўтганимдан сўнг, ўша савилни тилнинг тагига ташлаволиб бафуржа гаплашамиз. Энди битта чектиринг. Раҳмат, биродар. Ҳечам сигаретга зориқиш нималигини билманг.

Маслаҳатим шу: носга ўтинг.

Пирим ПАПИРОСнинг айтганларини ёзиб олувчи
Алижон АБДУРАҲМОНОВ

Ҳа-зил

Футболимиз мухлислари! Эшитмадим деманглар!

"Пахтакор"чи дарвозабон Павел БУГАЛО – "Алания"га,
ўзбек футболининг ишонган ва суянган тоғи Миржалол ҚОСИМОВ Самаранинг "Крилья Советов"ига,
ўзимизнинг жамоа дарвозаларига тўп ураверириб чарчаган Игорь ШКВИРИН Ҳиндистоннинг "Бахан"ига,
Андрей ФЁДОРОВ "Балтика"га

Шунингдек
Андрей Акопянц "Арарат"га,
Александр Хвостунов "Спартак"ка,
Александр Писарев Киевнинг "Динамо"сига,
Абдуқаҳҳор Маъруфалиев Сан-Паулонинг "Сантос"ига
Азамат Абдураимов Аргентинанинг...
Жасур Абдураимов Перунинг...

Э, бўлди-е, ҳазил ҳам эви билан-да! Ўзимизда майдонга, нима, жўжа-хўроз тушадими?!

Ҳой, итлар, йўловчидан ҳушёр бўлинглар!

Биз минган 34-автобус Чилонзор тумани кўчаларидаги бекатда тўхтаганида пича ширакайф киши чикди. Автобус ҳар силтанганида у мувозанатини сақлаб туролмас, буни ўзи сезса-да, ўзини қўлга ололмаётган эди. Чипта пуллаб юрган йигитча у кишини огоҳлантирди:

- Автобусда ит бор, тағин тишлаб олмасин, ока!

У деди-бу деди, ширакайф кишини кейинги бекатда тушириб юборди. Ҳақиқатда, автобуснинг орқа томонида бўрибосардек келадиган жундор ит етаклаган йўловчи бор экан.

Ўйлаб қолдим – автобус йўловчи учунми, ит учун хизмат қиладими? Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Ҳамза, Юнусобод, Миробод туманларига қош қорайиши билан бориб кўринг, айниқса дам олиш кунлари боғ-роғлардан ўтиб кўринг. Ҳай-ҳай, тўпикдан оладиганларини, бўйи елкангиздан келадиганларини етаклаб юрган йигитчалар, хонимчалар "арзанда" жониворларни... бегона йўловчидан эҳтиёт қилишади. Ҳушёр бўлган маъкул-да, тағин жон ҳолатда кўрққанга қўша кўриниб, итга ташланиб қолсангиз, дарахт-парахтни, кўкатларни "суғораётган", "ўғитлаётган" ит жонивор чўчиб-нетса, юрак ўйноғи бўлиб дўхтирма-дўхтир юришга кимнинг тоби бор дейсиз?!

- Оқшом "Ахборот"да далаларда экинларни пайҳон қилаётган молҳоллар "қўлга" тушаётгани, қассоб қўлида жон таслим қилаётгани, эгалари жарақ-жарақ жарима тўлаётганини кўрамиз. Шаҳарда эса... ҳой, биродар, итсеваралар итларга халал берманг-да, оқўси!..

Насриддин БОТИРОВ

Кўришгунча! Good by!

ОВОЗА

Термиз шаҳрининг шоҳкўчаларидан бирида "Мустақиллик" деб номланган... сартарошхона бор

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги "ОРИФ-МДАМ" МЧЖ тугатилади.

Даъволар эълон чиққандан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

БИР ЙЎҚ ЭКАН...